

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг неваралари Ҳусайн розияллоҳу анҳунинг шаҳид бўлишига йиғлашлари



17:04 / 19.11.2018 6918

Умму Салама розияллоҳу анҳу онамиздан ривоят қилинади:

«Бир куни Аллоҳнинг элчиси соллаллоҳу алайҳи васаллам уйимда эдилар. "Ёнимга ҳеч ким кирмасин!" деб фармон қилдилар. Ичкарига Ҳусайн кирибдилар. Мен Расулulloҳнинг муборак қалблари тўлиб йиғлаганларини эшитдим. Ичкарига кирсам, Ҳусайнни бағриларига босиб, бошини силар ва йиғлар эдилар.

"Аллоҳга қасам, Ҳусайннинг қачон кирганини билмай қолибман", дедим мен. Расулulloҳ дедилар:

"Жаброил алайҳиссалом ҳозир биз билан шу ердалар. Мендан: "Ҳусайнни севасизми?" деб сўради. "Дунёда албатта!" деб жавоб бердим. Шунда Жаброил алайҳиссалом: "Аниқки, умматингиз Ҳусайнни Карбало деган жойда шаҳид этадилар!" деб айтди. Кейин ўша жойнинг тупроғини менга кўрсатди".

Йиллар ўтиб, Имом Ҳусайн шаҳид этилишларини эшитган замон: "Бу жойнинг номи нима?" деб сўрадилар. "Карбало!" дейилди. Шунда: "Аллоҳ ва Расули рост сўзлайди! "Карб" - ғам ва "Бало" - бало, деб қўйди».

Бошқа бир ривоятда бундай келади:

"Аллоҳнинг Расули тўғри сўзлайдилар! "Карб" - ғам ва "бало" - бало тупроғи!"

“Пайғамбаримизни йиғлатган ҳодисалар” китобидан